

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш
Вазирлиги
Самарканд Давлат Медицина Институтининг
Педиатрия факультети**

1-сон Госпитал педиатрия кафедраси

Кафедра мудири: проф. Рустамов М.Р.

РЕФЕРАТ

Мавзу: Жигар циррози.



***Бажазди: Юсупова Севара
605 гуруҳ талабаси***

Тегишиди: асс. Махмудова Ф.В.

САМАРКАНД 2013

Р Е Ж А :

I. НАЗАРИЙ КИСМ

1.Муаммонинг долзарблиги

2.Этиология

3.Патогенез

4.Таснифи

5.Клиникаси

6.Асоратлари

7.Диагностика

8.Дифференциал диагноз

9.Давоси

10.Профилактика

11.Окибати

12.Диспансеризация

II. АМАЛИЙ КИСМ

III. ХУЛОСА

IV. ТЕСТ ВА МАСАЛАЛА интерактив уйин

V. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

МУАММОНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Жигар циррози билан касалланувчи беморлар сони йилдан-йил ортиб бориши, унинг огир асоратлар билан намоён булиши муаммонинг долзарблигини белгилаб беради. Вирусли гепатитлар (В, С, G) билан касалларни кеч диагностикалаш, нотугри даволаш, аутоиммун жараёнлар, моддалар аомашинуви касалликлари, кимёвий ва токсик моддалар, доридармонларнинг, айникса гепатотоксик медикаментоз воситаларнинг кенг ишлатилиши ва уларнинг таъсири натижасида жигар циррози келиб чикмокда. Жигар циррозининг купайишига инсонларнинг узлари, яъни уларнинг хатти-харакатлари натижаси булган ташки мухит экологиясининг бузилиши ҳам сабаб булаяпти.


Шунинг учун ҳам ёш болаларда учрайдиган касалланиш холлари ҳам бизларни катта хавотирга солмокда, чунки аксарият катталарда учрайдиган асоратлар болаларда ҳам учраб, касалликнинг огир асоратлар билан кечишига ва летал холлари ошиб кетишига сабаб булмокда.

- Дунеда жигар циррози билан йилига 300 минг киши вафот этаяпти
- Утган 10йил ичида цирроз билан касаланганлар сони 12% га ошди
- Жигар циррози асоратларидан портал гипертезиядан улим даражаси бошка касалликлардан кейин 4 уринда туради
- Америкада йилига алкоголи гепатитдан 20000 киши улаяпти улардан 1000 киши жигар трансплантацияси килинаяпти
- Марказий Осиёда жигар циррози учраши 10-12%

Ўзбекистонда жигар циррози ёшарганлигини айтишмокда у 9-14 ёшда ҳам учрамокда

Жигар циррози – жигарнинг полиэтиологик прогрессивланувчи касаллиги булиб, гепатоцитларнинг функцияланувчи микдори камайиши, усиб боровчи фиброз, паренхимани ва кон томир структурасини узгариши, тугунчали регенерация ва портал гипертензия ва жигар етишмовчилиги окибатларига олиб келувчи касалликдир.

Паталогоанатомик жихатдан - диффуз фиброз жараёнлар кайтмас булиб жигарнинг нормал алхитек тоникаси бузилади, тугунчали трансформация ва жигар ичи томирлари анастомозлари шаклланади.



Этиологияси:

- Вирусли гепатит (В, С, D) купгина циррозоген вирус с ва б сабабли HCV «мулойим улдирувчи» дейилади. У 97% холларда жигар циррозига олиб келади.
- **Вирусли гепатитлар: В, С, D, G;**
- **Алиментар фактор;**
- **Аутоиммун гепатит;**
- **Алкоголи ичимликларни куп истимол килиш;**
- **Генетик алмашинувининг бузилиши (Гемохроматоз, Вильсона-Коновалова касаллиги);**
- **Химик токсик моддалар ва медикаментлар;**
- **Огир метал тузлари (ртуть);**
- **Замбуруг захари ;**
- **Афлотоксин (содержаться в перезимовавшем зерне, кукурузе, рисе);**
- **Гепатоток дори препаратлари: Метилдофа, изониазид, ПАСК, ипразид, препараты анаболик препараты ва андрогенлар;**
- **Жигар ичи ва ташки ут йулари обструкцияси**

- **Узок муддат веноз кон томирлари димланиши : Юрак етишмовчилиги; Синдром Бадда-Киари;**

ПАТОГЕНЕЗ

Жигар циррозининг морфологик ривожланишида жигар паренхимасини халок булиши ётади. Постнекрот циррозда жигарда массив ёкт субмассив некрот пайдо булади. Халок булган гепотоцитларда чандик хосил булади.

Портал трактнинг томирлари марказий венага якинлашади. Кон окими синусоид томирлар оркали зарарланмаган сохага келиб, ишемияга олиб келади, кейин некротга учрайди.

Некротда жигар моддалари регенерацияси стимулланади, тугунчалари регенерацияси ривожланади, томирлар босилиб, жигарда кон айланиш бузилишига олиб келади.

Парчаланган гепотоцитлардан чиккан махсулотлар яллигланиш реакциясини стимуллайди. Инфилтратив яллигланиш ривожланади. Бу жараён портал трактдан жигар марказий булакчаларига таркалади ва постсинусоид ривожланишига олиб келади.

Циррозда яллигланиш жараёни интенсив фиброз хосил килувчи характерга эга. Бириктирувчи тукима шаклланади. Унинг таркибида томир анастомозлари, марказий вена ва портал тракт бирикмалари, булакчалар аррагментларидан хосил булади. Сохта булакчалар ташкил этади. Сохта булакчалари марказида вена йук, перифериясида портал триада йук, сохта булакчалар атрофида бириктирувчи тукима тури, таркибида томирлар, жигар венаси шохи билан марказий вена бирикмалари (жигар ичи порта – кавал шунтлари), кон тугридан тугри жигар вена системасига тушади ва ишемия, некротга олиб келади. Бу жигар веноз томирлари бириктирувчи тукима билан

ЖИГАР ЦИРРОЗИНИНГ ПАТОГЕНЕЗИ



ЖИГАР ЦИРРОЗИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

(А.С. Логинов, Ю.Е.Блоку буйича, 1987)

Этиология	Морфология	Жигар етишмовчилиги боскичлари	Активлиги ва фазаси
1. Вирусли	1. Микронодуляр.	1. Компенсацияланган	1. Минимал
2. Алкоголлик	2. Макронодуляр.	2. Субкомпенсацияган.	активликда,
и			кучли
3. Аутоиммун	3. Аралаш.	3. Декомпенсацияган.	кучсиз
н			2. Актив
4. Токсик.	4. Тулик		булмаган
5. Генетик.	булмаган септал.		фаза
6. Кардиал.	5. Билиар		
7. Жигар ичи			
холестаз			
таъсири			

8. Крптоген			
-------------	--	--	--



1995 й. Лос Анжелесда кабул қилинган (США)

Морфологиясига кўра :

- А. Сурункали гепатит
- Б. Портал трактда фиброз бўлиши
- В. Жигар бўлакчасининг перипортал зонасида фиброз бўлиши
- Г. Жигар бўлакчасининг ҳамма қисмида
- Д. Жигар цирроз


2. Компенсацияланганлигига кўра :

- А. Компенсацияланган
- Б. Декомпенсацияланган

3. Фаоллигига кўра:

- А. Нофаол фаза
- Б. Фаол фаза

Бу таснифга кўра сурункали гепатит ва жигар циррози бир хил касаллик. 5 босқичи аниқланади. Бу босқичлар фақат гистология ёрдамида



КЛИНИКАСИ

Астеновегетатив синдром


Диспептик синдром

Портал гипертензия синдром

Сариклик синдроми

Жигар хужайралари етишмаслиги синдроми

Жигардан ташкари белгилар синдроми



ўргимчаксимон телеангиэктазиялар

кафт эритемеси

Қулоқ олди ва кўз ёш безларининг

катталашиши

Тирноқларнинг ўзгариши (Мюрке

чизиклари,

Терри тирноқлари)

«ноғора чўплари» кўринишида

бармоқларнинг ўзгариши

Гиникомастия

Гепатоспленомегалия

Асцит

Ошқозон ичак тизими варикоз кенгайган веналаридан қон кетиши

жигар энцефалопатияси

ЖИГАР ЦИРРОЗИ ОГИРИЛИГИНИ БАХОЛАШ ДАРАЖАСИ.

Хозирги замонда цирроз окибати Чайлд-Пью шкаласи этиология ва огирлик даражасини аниклашда катта ахамиятга эга. «А» синфда 6-7 ёшларда чакиради «С» синфда 2 ойгача. Шу синфларга кара жигар трансплантацияси йулга куйилади.

ЧАЛЬД – ПЬЮ СИСТЕМАСИНИНГ КРИТЕРИЯЛАРИ.

Огирлик даражаси	Билирубин	Альбумин	Квик вакти (ПТИ)	Асцит	Жигар энцефалопатияси
А	20,5 мкмоль/л (N)гача	35 г/л (N) гача	2 секундгача (80-60%)	Йук.	Латент ёки йук
В	20-30 мкмоль/л	35-25 г/л	2-4 секунд (60-40%)	Чегараланган	1-II стадия
С	30 мкмоль/л дан куп	25 г/л кам	4 секунддан куп (40%)	Субтотал, тотал	II-III стадия

Чальд–Пью критериясидан фойдаланиш техникаси: «А» гурухнинг хар бир курсатгичи 1 балл булиб хисобланади. «В» гурухда -2 балл. «С» гурухда -3 балл. Баллар йигиндиси буйича синфларнинг умумий огирлиги хисобланади.

- 5-6 балл (5-7 Турко буйича) = «А» синф
- 7-9 балл (8-10 Турко буйича)= «В» синф
- 9 балдан куп (11 ундан ортик Турко буйича) = «С» синф

Бундан ташкари жигар циррозини огирлик даражасини аниклашдан ташкари жигар етишмовчилиги, портал гипертензия, жигар энцефалопатиялари каби клиник синдромлар аникланади.

Цирроз гепатитнинг терминал боскичида ривожланади. Шунинг учун Десметнинг (1994 йил) гепатит классификацияси буйича гепатитнинг IV боскичи цирроздек каралади (фиброз+сохта булакчалар шаклланиш ва жигар архитектоникасининг булиши)

АСОСИЙ КЛИНИК-ЛАБОРАТОР СИНДРОМЛАР: ПОРТАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯ

Портал гипертензия – портал босим ошиши билан кон айланиш бузилиш синдроми, спленомегалия билан бирга, ошкозонда, кизилунгачда варикоз кенгайишлар, асцит кизилунгач ва тугри ичак коверноз таначалари ва кенгайган веналаридан кон кетиш билан ифодаланади.

Портал гипертензия шакллари:

1. Жигар ичи шакли (80-87%) жигар веноз узани зарарланиши натижасида пайдо булади, айникса синусоид зонада. Жигар диффуз зарарланишида ривожланади.
2. Жигар ости шакли (10-20%) кisman ёки тулик дарвоза венаси блокадасида ёки унинг йирик шохини босиб колганда (усма, лимфатик тугун, пилефлебит билан босилганда)
3. Жигар усти шакли (2-3%) кisman ёки тулик жигар венаси блокадаланганда (облитерацияловчи эндофлебит ёки жигар венаси тромбофлебит – Бадда – Киари синдроми, унг коринча етишмовчилигида, конструктив перикардит).

Портал гипертензия клиникаси ва диагностикаси

- Корин дам булиши, хар кандай овкат егандан кейин хам ошкозон тулиши сезилади.
- Ичак доим тулгандан сезилади.
- Прогрессивланувчи полигиновитаминоз.

- Гепатоспленомегалия – гиперспленизм (лейкопения, тромбоцитопения, анемия).
- Асцит
- Олигурия.

Коллатерал кон айланишнинг бузилишини – корин олд деворида кенгайган веналар (Caput medusae), геморрой ва флебэктазия (ошкозonda) – 3 та даража шунинг учун бу белгилар оркали портал гипертензия даражаларини диагностика килиш мумкин.

Шиллик ости веналарининг кенгайиши, эгриликлар диаметри 2-3 мм. Эндоскопик кисилиши (3-5 мм). Эндоскопик текшириш утказиш мумкин эмас - контакт кон кетиш, шиллик парда яраланиши, диаметри 5 мм дан катта.

Портосистемали энцефалопатия (гепатаргия, гепатоцеребрал синдром). Аммиакли проба билан шунтлашиш даражасини аниклаш мумкин. 3 гр аммоний хлориди ичилади, кейин уни кондаги микдори аникланади. Соғлом одамда аммиак концентрациясидан кейин (11-35 мкмоль/л) узгармайди. Шунтланганда 2-3 марта ошади.

Узи – корин бушлигида суюклик, талок диаметри катталашади (нормада 10 мм), дарвоза (нормада 15 мм). Ва пастки ковак вена (нормада 21 мм).

Талок ичи кон босими улчанади ёки жигар вена ва дарвоза веналарини катетеризациясида.

Жигар устки шакли – Асцитнинг эрта ривожланиши билан характерланади. Диуретик терапияни фойдаси йук. Жигар сохасида огрик гепатомегалия, нисбатан спленомегалия билан.

Жигар остки шакли – Асосий сиимтом – спленамегалия. Жигар одатда катталашади, гиперспленизм, лекин кон кетиши йук ва асцит, кам холларда гиперспленизм ва кизилунгачдан кон кетиш билан доимий асцит хисобига, одатда секин ривожланади, ошкозон ичакдан камрок кон кетиш билан.

Жигар ичи портал гипертензияси – эрта симптоми кучли диспептик синдром, метеоризм, ич кетиш, озиш, талок катталашган, верикоз вена кенгайиши ва кон кетиш, асцит – кечисимптом хисобланади. Жигар ости шакли билан тез кон кетиш (флебозктоз зоналарда)

жигар функциясининг тез ишдан чиқиши билан фаркланади. Гиперспленизм ривожланади. Гипертензия тотал, лекин гастролиенал ёки ичак-мезантериал зонада устун туради.

АСЦИТ

Асцит – корин бушлигида суюклик тупланиши.

Асцит патогенези.

Патогенезм мураккаб булиб, уни факатгина портал системада босим ошиши билан тушунтириб булмайди. Портал гипертензия симптоми лекин типик булмаган жигар хужайрали етишмовчилиги (гипопротенемия).



Патогенетик факторлар:

1. Портал вена системасида гидростатик жигарда ошиши.
2. Веноз окимининг блокадаси таъсирида жигарда лимфопродукция ошади Плазмада онкотик босим тушади.

Жигарда алдостерон инактивацияси камаяди гиперальдостеронизм На ушланиб қолиши.

Асцит классификацияси.

1. Чегарали асцит алохидажойларда суюклик иупланиши.

Субтотал асцит – методик текширишларда суюклик корин бушлигида, киндик буртмаган, суюклик устида тимпатит овоз эшитилади.

Тотал асцит – киндик буртиб чиккан, кориннинг бутун юзаси тумтоклашган.

Асцитни клиник диагностик методлари.

1. Перкуссияда ётганда ва турганда тумток товуш анкланди. Турганда товуш коришиши пастки сохасида эшитилади, горизонтал холатда, ётганда эса йуколади.
2. Флюктуация метод: врач кулини корин юзасига куяди, кафт билан тулқинлатиб корин карама-карши томонга босилади.

ЖИГАР ЕТИШМОВЧИЛИГИ.

Жигар етишмовчилиги синдроми

Жигар етишмовчилиги синдроми-симптомокомплекс, жигар паринхемасининг уткир ёки сурункали шикастланиши натижасида жигарнинг бир ёки бир нечта функциясининг бузилиши билан характерланади.

Жигар етишмовчилиги уткир ва сурункали кечади ва унинг 3 боскичи ифодаланади:

- 1-боскич бошлангич (компенсациялашган)
- 2-боскич яккол намоён булган (декомпенсациялашган)
- 3-боскич терминал (дистрофик)

Терминал боскич жигар комаси билан якунланади.

Этиологияси ва патогенези

Ўткир жигар етишмовчилиги вирусли гепатитнинг оғир формаларида, саноат чиқиндиларининг захарлари билан захарланганда (мишъяк бирлашмаси, фосфор ва х.к), усимлик захарлари ва бошқа гепатотроп

захарлар билан захарланиш окибатида келиб чикади. Шунингдек, айрим дори воситалари, бошка гурухли кон куйишлардан кейин ҳам келиб чикади.

Сурункали жигар етишмовчилиги жигар сурункали касалликларининг (цирроз, ёмон сифат шишлар ва х.к.) прогрессивлашиши окибатида келиб чикади.

Жигар етишмовчилигида гепатоцитлар таркалган некробиози ва дистрофияси (сурункали формаларда), портокавал анастомозларнинг массив ривожланиши, улар оркали коннинг катта микдори дарвоза венасидан буш веналарга тушиб, жигарни тарк этиб кейин артериал ирмочларга тушади (бу уз навбатида жигарни захарли моддалар дезинтоксикациясида иштирокини пасайтиради). Асосан жигарни антитоксик функцияси зарарланади, унинг турли хил модда алмашувларида иштироки пасаяди (оксилли, ёгли, углеводли, электролитли, витаминли ва х.к.).

Клиника

Жигар етишмовчилиги белгилари ва кечиши жигарнинг шикастланиш характериға ва жараённинг уткир кечишиға боглик.

Биринчи боскичда клиник белгилар намоён булмайд, туйинтирувчи жигар синамаларининг натижалари мусбат (галактоза, бензоат натрий, билирубин, асосан вофавердин билан).

Иккинчи боскич учун куйидаги клиник белгилар характерли: холсизлик, диспептик бузилишлар, сариклик пайдо булиши ва прогрессивлашиши, геморрагик диатез, асцит баъзан гипопропротеинемик шишлар.

Лаборатор тахлил: конда альбумин, протромбин, фибриноген, холестерин пасайган, нотрансферазалар асосан аланинаминотрансфераза конда ошган, анемия, СОЭ ошган.

Учинчи боскичда организмда модда алмашинувининг чукур бузилишлари кузатилади. Дистрофик холатлар нафакат жигарда, балки бошка тизимларда ҳам кузатилади (марказий асаб тизими, буйраклар ва х.к.);

жигарнинг сурункали касалликларида кахексия яккол намоён булади. Якинлашиб келаётган жигар комасининг белгилари пайдо булади.

Жигар комаси (гепатаргия).

Жигар комаси ривожланишида куйидаги боскичлар кузатилади:

- Кома олди
- Кома хавфи
- Кома

Шунингдек жигар-хужайрали (эндоген), портакавал (экзоген) ва аралаш комалар ҳам кузатилади.

Кома олди даврида прогрессивлашган анорексия, кунгил айниши, жигарнинг кичрайиши, сарикликнинг усиб бориши, гипербилирубинемия, конда ут кислоталари микдорининг ошиши кузатилади. Кейинчалик асаб-психик бузилишлар, депрессия, баъзан эйфория кузатилади, уйку бузилади. Пай рефлекслари ошади, оёк-кул тремори характерли. Азотемия ривожланади. Актив даволаниш натижасида беморлар бу ҳолатдан чикиб кетади, лекин жигарнинг оғир узгаришлари комага олиб келиши мумкин.

Кома даврида эс-хуш йуколади, менингеал белгилар, патологик рефлекслар ва талваса кузатилади. Нафас олиш бузилади (Куссмаул, Чейн-Стокс типи), пульс - кичик, аритмик; гипотермия кузатилади. Беморнинг юзи озгин, кул-оёқлари совук, оғиз ва тердан характерли жигар хиди келади, геморрагик ҳолатлар кучаяди (тери копламларига кон куйилишлар, бурундан, милклардан, кизилунгач варико́з – кенгайган, веналаридан кон кетишлар кузатилади). СОЭ ошган, кон зардобида аммиак ва колдикли азот микдорлари ошади. Гипокалиемия, гипонатриемия ва метаболик ацидоз кузатилади.

Ўткир жигар етишмовчилиги тез ривожланади, бир неча соат ёки кун давомида. Даволаш уз вақтида утказилганда жараён орқага кайтарилади. Сурункали жигар етишмовчилиги аста-секинлик билан ривожланади, бир неча ҳафта ёки ойлар давомида, лекин провокацион факторларнинг кушилиши (ошқозон-кизилунгачдан кон кетишлар, кизилунгачнинг варико́з

кенгайган веналаридан кон кетишлар, интеркуррент инфекция, жисмоний зурикишлар, сийдик хайдовчи дориларни катта дозада куллаш ва х.к.), жигар комасининг тез ривожланишига олиб келади.

Сурункали жигар етишмовчилигининг оқибати ёмон.

ГЕПАТОЦЕЛЛЮЛЯР ЕТИШМОВЧИЛИК – бунда мия зарарланиши натижасида комплекс метаболизм бузилади, интелект узгаради, психика мотор – висцерал фаолият ҳам бузилиши билан ифодаланади.

ГЕПАТОЦЕЛЛЮЛЯР ЕТИШМОВЧИЛИК БОСКИЧИ:

1. Компенсацияланган

- Умумий ахволи коникарли
- Жигар соҳаси ва эпигастрада кучсиз оғрик, метеоризм.
- Тана массаси пасайиши ва сариклик.
- Жигар катталашган, зич, юзаси нотекис, кирраси уткир спленомегалия бўлиши мумкин.
- Жигарнинг функционал ҳолати узгарган, клиник жиҳатдан жигар етишмовчилиги йук.

2. Субкомпенсацияланган.

- Тана массаси пасайган
- Сариклик.
- Жигар циррозининг кичик белгилари.
- Генатоспленомегалия.
- Гиперспленизмнинг бошланғич белгилари.
- Билирубин – 2,5 марта купайган.
- АлАТ – 1,5 – 2,5 марта .
- Тимол проба – Оед гача.
- Альбумин – 40% гача пасайган.
- Сулемали синама 1,4 ед гача.

3. Декомпенсацияланган.

- Холсизлик.
- Тана массаси камайган
- Сариклик.
- Терида кичиш.
- Геморогик синдром.
- Шиш, асцит
- Жигар хиди.
- Жигарни функционал хусусияти узгаради
- Билирубин 3 мартадан куп ошган.
- АлАТ – 2 мартадан куп
- Протромбин 60% дан кам.
- Умумий оксил 65 г/л кам
- Альбумин 40% дан кам
- Холестерин 2,9 мкмоль/л

ЖИГАР ЭНЦЕФАЛОПАТИЯСИ СИНДРОМИ

Жигар энцефалопатияси – нейروпсихик бузилиш, диффуз жигар касалликларини уткир ва хроник кечиши асоратлари натижасида келиб чиқади.

Клиникаси:

Уйку бузилиши билан эс хушининг бузилиши, уйкучанлик, эрта белгиларидан соптстан харакатларни сонини камайиши, бир нуктага тиклаб колиш, тормозланиш, апатия, саволларга киска жавоб бериш, дилирия ривожланиши мумкин.

Узини тутиш бузилади – таъсирчанлик, оилага кизикиш йуколади.

Интеллектни бузилиши.

Дифференциал ташхис.

Асосан клиник курунишига караб куйилади. Биринчи уринда жигарни функцион биопсиясини утказиш керак. Кейин эхография, сканирлаш, КТ, ангиография.

Жигар циррози хроник гепатитлардан, жигар дистрофияси, хроник инфекцияларда учокли зарарланиши, бирламчи ва иккиламчи (метастатик) усма зарарланишлари. Бадди-Киари синдромидаги жигарни иккиламчи зарарланиш, жигарни гельминтоз зарарланиши. (Эхинококк), жигарда димланиш, жигар фибрози, лейкозни алейкемик шаклидан фарклаш керак.

Ёгли дистрофияда жигар катталашади, лекин чегараси уткир эмас, цирроздай булади. Талок катталашмайди. Усма касалликларида симптомларнинг усиб бориши (1-1,5 йил давомида), сариклик механик куп учраганлиги учун жигар катталашади, чегараси ноаник, талок катталашмаган.

Рак-цирроз фонида ривожланади. Ташхис куйиш кийин. Лапароскопия ва функционал биопсия, сканирлаш, КТ утказиш мумкин.

ЦИРРОЗ АСОРАТЛАРИ

Жигар циррозини асоратлари куп орган ва системаларни зарарланиши билан боглик. Юрак, ошкозон ости беzi., буйрак, ошкозон-ичак трактида ва геморрагик синдром кабилар.

1. **Юрак етишмовчилиги:** цирроз жигарда кон микдори пасаяди. Артериовеноз шунтлар (м: порта-каваль) периферик каршилик пасаяди, гиперволемия. Буларни хаммаси цирроз декомпенсация боскичида конда токсик моддалар купайиб, томирлар тонусини пасайиради ва юрак етишмовчилиги келиб чикади. Типик гепатоген миокардиодистрофия келиб чикади.
2. **Ошкозон ичак трактида** -Атрофик гастрит, ут йуллари дискенезияси, яра касаллиги.

3. **Буйрак зарарланиши** – циррознинг огир асоратларидан булиб буйракнинг мочевина ажратиш функцияси бузилади. Коптокчалар фильтрацияси, каналчалар секрецияси бузилади. Бу – гипоторениал синдром дейилади. Олигурия, альбуминурия, гематурия, цилиндрурия синдромлари. Ахлатда – анемия, СОЭ ошади. Лейкоцитоз енгил формасида эса диспептик бузилишлар, олигурия, азотемия, охир окибат уремияга олиб келади. (нефросклероз).
4. **Кон кетиш** – жигар зарарланиб конни ивитувчи факторлар синтези пасайгани учун гипокоагуляция келиб чиқади. Фибринолиз микдори ошади, томир утказувчанлиги ошади. Тромбоцитопения ва иккиламчи тромбоцитопатиялар п.Б)
5. **Периферик конда** – гиперспленизм, лейкопения, тромбоцитопения, анемия.
6. **Неврологик асорат**. Портал системали энцефалопатиялар бунга киради: психик бузилиш (уйку, хотира, меҳнат, эйфория, летаргия, кома). Нерв-мушак патологияси (мушак калтираши, астерикси, нутк фаолияти, рефлекслар ошиши, ригидлик, атаксия)гипервентиляция, ээг да узгариш, огиздан жигар хиди (нафас чиқарганда куп метантиол хиди келади).
7. **Жигар комаси** – энг огир асорати булиб, 30-60 % улим билан тугайди. Кома ривожланишига олиб келувчи сабаблар: куп кон кетиш, асцит суюклиги ошиши, бир катор дори препаратлари (дифенин, фенотиазид, тетрациклинлар, хлортиазид, сульфанилоксидлар) хирургик операциялар, инфекциян касаликлар, овкат рациониди оксил куп ейиш, кон куйишда хатоликлар стероид препаратларни нотугри куллаш, жигар комаси – жигарда уткир гипоксия туфйли келиб чиқади. Пато генезида мияда аммоний алмашинув махсулотларидан интоксикацияга олиб келади.

ТАШХИС

- 1.Клиник кўринишига караб куйилади.
- 2.Жигарни функцион биопсиясини утказиш керак.
3. Кейин эхография,
- 4.Сканирлаш,
- 5.КТ,
- 6.ангиография.

Лаборатор белгилари :

анемия (қон кетиши натижасида микроцитар, фолат дефицити билан боғлиқ макроцитар)

панцитопения (гиперспленизм),

ПВ узайиши, баъзан ДВС-синдром

Гипонатриемия

Гипокалиемия билан боғлиқ алкалоз,

глюкоза метаболизмнинг бузилиши

гипоальбуминемия.

HBsAg, анти-HBc, анти-HBs, C ва D гепатитларга антитела



ЖИГАР ЦИРРОЗИНИНГ КУШИМЧА АСОРАТЛАРИ

1. Жигар энцефалопатияси.
2. Кон кетиш асосан кизилунгач флебозктазиеларида ва тугри ичак каверноз таначаларидан.
3. Дарвоза венаси тромбози.
4. Иккиламчи бактериал инфекция (спонтан бактериал перитонит, сепсис, пневмония).
5. Прогрессивланувчи жигар-хужайра етишмовчилиги.
6. Цирроз-ракда трансформация

ЖИГАР ЦИРРОЗИ ВА АСОРАТЛАРИНИ ДАВОЛАШ:

1. **Даволаш режими:** Компенсация вакти уткирлашмаган боскичида – меҳнат режимини енгиллаштириш, нерв ва физик зуриқишларидан озод қилиш. Актив ва фаол декомпенсация вакти – ётоқ режими.
2. **Даволовчи овқатлар** – 4-5 марта қунига. Стол №5
3. **Трансфузион – инфузион терапия** – Гепатоцеллюляр етишмовчилик ривожланганда, холестатик синдром бўлганда, кома олди ҳолатида дезитоксикацион терапия – вена ичига 300-400 л гемодез (5-12 инфузия) томчилаб, 500 мл 5% глюкоза эритмаси қунига (100 мг кокарбоксилаза билан), гипоальбуминелияда – альбумин 10% эритмаси 150 мл қунига 2-3 марта томчилаб вена ичига юборилади. Жигар етишмовчилигида ароматик АК лар (полиамин, инфезол, неоальбумин) қулланилиши хавфли.
4. **Патогенетик даво.**
Глюкокортикостероидлар аутоиммун жигар циррозида ёки қучли ривожланган гиперспленизмда қулланилади. Бошланғич дозаси қучсиз активликда 15-20 мг, қучли ифодаланганда 20-25 мг дан, максимал дозаси 3-4 ҳафта давомида, сариклик ва аминотрансферазалар микдорининг 2 марта камайишигача қилинади.

Дозаси хар 10-14 кунда 25 мг га пасайтирилади (тимол реакцияси назорати остида). 1,5-2,5 ойдан сунг ушлаб турувчи доза (7,5-10 мг) га етказилади. Курс давомийлиги 3 ойдан бир неча йилгача. Киска курс билан преднизолон (20-40 кун) гиперспленизмда берилади. Декомпенсация даврида ГКС лар тавсия килинмайди.

5. **Жигар етишмовчилигида** бемор зудлик билан касалхонага ётказилиши шарт (вирусли гепатитда, лептоспирозда ва бошқа юкумли касалликларда – юкумли касалликлар шифохонасига, жигарнинг токсик шикастланишида - захарланиш марказларига). Токсик гепатозларда токсик факторларни йукотишга карши даво чоралар. Сурункали жигар етишмовчилигида асосий касалликни даволаш ва симптомптик даво.

6. **Шиш-асцит синдромини даволаш**

- Ёток режими. Хар куни суткалик диурез, суткалик ичиладиган суюклик, А/Б, PS, тана вазни, электролитларни лаборатор контроли утказилади, альбумин, мочевина, креатинин текширилиб туради.
- Диета – оксил 1 г/ кг, туз-0,5-2 г / кунига, суюклик 1,5 литр кунига. Диурез 0,5-1 л/ кунига. Агар бир хафта давомида ёток режими, тузсиз диета фонида, беморда кунлик диурез 0,5 литр атрофида ва тана массаси 2 кг га камайса, сийдик хайдовчи терапия утказиш керак.
- Сийдик хайдовчи терапия – юкоридаги чора-тадбирлар эффект бермаса диуретик терапия утказилади. Диуретик терапия 3 та асосий поғонада утказилади.

а)Альдостерон антагонистлари. 75-150 мг верошпирон, эффекти булмаса 1 хафтадан сунг 200 мг га етказилади. Диурез кучайгач 25-50 мг га туширилади. Даволаш хафта давомида утказилади, эффект бермаса натрийуретиклар берилади.

б)Сальуретиклар – фуросемид эрталаб (40-80 мг) кунига 2-3 марта. Диуретик эффектга эришилгандан сунг ушлаб турувчи дозага утилади, альдактон ни 20-40 мг 1 марта 7-10-14 кун давомида.

в) Тиазидли диуретиклар: кучли асцитда комбинацияланган сийдик хайдовчилар 2-3 кун берилади: альдактон 200 мг+ фуросемид 80 мг + гипотиазид 100 мг)

- Натив плазма ёки янги музлатилган плазма ва 20% альбумин. Бир марталик дозаси 125-150 мг) 4-5 марта курс. 20% альбумин 1 марталик 100 мг дан 5-6 марта утказилади.

- Абдоминал парацентез. Асцит микдори куп булганда тугри конун коидаларга амал килган холда утказилади. Суюклик хажми 2 литрдан куп булмаслик керак. Карши курсатма – инфекция, кон кетиш, жигар комаси, муолажадан олдин 30-40 гр альбумин киритиш мумкин. Эвакуациядан кейин асцитосорбция.

Портал гипертензияни жаррохлик йули билан даволаш.

XX-асрнинг 80-90 йилларида 2 хил операция таклиф килинган:



Оментопариетопексия;

Томирларнинг порто-кавал анастомози.

7. Кизилунгач ва ошкозондан кон кетишларни даволаш.

1. Эндоскопик диагностикадан сунг Сенгст-Блекмор зонди киритилади, кон кетишлар 95% фоиз холларда тухтайди.
2. Бир вақтнинг узида инфузион-трансфузион терапия утказилади, функционал холат Чальд-Пью критерийлари буйича бахоланади.

3. Гемодинамиканинг стабилизациясига эришилгандан сунг вена ичига нитроглицерин юборилади, питуитрин 20 ед. томир ичига 100-200 мл 5% глюкоза эритмаси билан 15-20 минут давомида кулланилади. Ошкозон ювилиши керак.

4. 6 соатдан сунг манжеткадан хаво чиқариб юборилади.

Блекмор зондини ҳақиқатдан ҳам қон кетувчи соҳани босиб туришига эришиш учун уни доимо ташқари томонга тортиб туриш керак. Бу эса огир аҳволда ётган беморларда қусиш рефлексини кучайтиради ва болани безовталигини оширади.

Агарда консерватив муолажалар ёрдамида қон кетишини тўхтатишга эришилса, 24-36 соатдан 48-72 соатгача вақт ўтгач, секинлик билан беморларни овқатлантиришга киришилади. Дастлаб сут-қатик, мевалар шарбати, 5% ли манний бўтқаси ва хом тухум берилади, бу озик-овқатлар, албатта, совутилган ҳолда берилиши керак. Қон кетиш такрорланмаса, 3-4 кундан бошлаб суюқ овқатлар берила бошланади. Бу орада ҳафтасига 2-3 марта қон қуйиш, витаминларни қилишни давом эттириш керак. Кўпчилик муаллифларни таъкидлашларича, агар консерватив муолажалар ўз вақтида бошланиб, тўғри олиб борилса, 66,6% беморларда қон кетишини узил-кесил тўхтатишга эришилади. Ўтказилган фаол консерватив даво муолажаларига қарамасдан қон кетиш давом этса, бу ҳолда 6-8 соатдан кейин оператив даволаш масаласи қўйилади. Агар қон кетишлар такрорланиб турса, бундай вазиятларда 2 суткагача консерватив муолажалар фаол равишда давом эттирилади, шунда ҳам қон кетишлар давом этса оператив даволашга ўтилади.

8. **Гиперспленизм синдромини даволаш.** Лейкоцитлар микдорини купайтириш учун – натрий нуклеинат 0,3 г дан кунига 3-4 марта 2 ҳафтадан 3 ойгача, пентоксил 0,2 г дан кунига 3 марта 2-3 ҳафта давомида. Самара булмаса – преднизолон, спленэктомия.

9. **Жигар энцефалопатиясини даволаш.** Йугон ичакдан аммиакни чиқариб юбориш мақсадида лактулозали (дюфалак, нормазе, порталек,

лизалак), сунгра тоза сувли сифон хукналар кулланилади.
Антибиотиклар: Ампициллин 2-4 г/суткада, Амоксициллин 2 г/сут;
Метронидазол 800 мг/сут.кулланилади.

- L-орнитин-L-аспартат кондаги аммиак микдорини камайтиради,
Аспартат глутамат синтезини фаоллаштиради. Орницетил аммиакни
боглайди, 5-25 г/сутка микдорида томир ичига ёки 2-6 г/сутка микдорида
мушак ичига юборилади.

АМАЛИЙ КИСМ

ПАСПОРТ КИСМИ

Ф.И.Ш. Ахмедов Зафар

Тугилган йили: 2001 йил 2 май

Манзили: Мотрид қургони Кунди Суфи к/к

Отаси: Ахмедов Насриддин. 1967 йил

Онаси: Хамраева Озода. 1971 йил

Кон гурухи: II гурух, Rh (+) мусбат

Диспансер кузатувига олинган сана: 16 сентябр 2011 й.

***Якуний таъхис: Асосий - Сурункали вирусли гепатит В, минимал
активликда***

Кушимча касалликлар – Инфекцион-алиментар анемия I дар.

Согломлик гурухи: III гурух



ШИКОЯТЛАРИ:

Тери саргайишига, холсизлик, кориннинг унг томонида огирлик хисси, иштахасизлик, баъзан кунгил айтиши, тез толикишга.

ANAMNESIS MORBI.

Бемор сўзига караганда икки йилдан буён касал. Касаллиги вирусли гепатит В утказганлиги билан боғлайди. 2011 йил август ойида Самарканд шаҳар юкумли касалликлар шифохонасида вирусли гепатит В огир формаси бўйича 35 кун давомида даволанган. 2011йил сентябр ойида 3 сон оилавий

поликлиникада диспансер назоратида туради. 12 март 2013 йилда беморда тери саргайиши, қориннинг унг томонида огирлик хисси, иштахасизлик, баъзан кунгил айтиши, тез толикишга шикоят қилиб 3 сон оилавий поликлиникага мурожат қилиб келди.

ANAMNESIS VITAE.

